

Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 10 декабрь, № 259 (7761) Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

9 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистонда туризм иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантирилмоқда. Қатор Фармон ва қарорлар асосида бу соҳадаги шароитлар кенгайтирилмоқда. Хусусан, фуқаролардан туризмга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 гага етказилди, 53 та давлат учун "электрон виза" тизими жорий этилди. Туризм учун қўйилган бўлган жорий йилда соҳадаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, уларга субсидия ва сўдалар берилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда коронавирус пандемиясини шароитида ёндашувларни қайта кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Келгуси йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Бу борада энг катта манба, аввало, зиёрат туризмидир. Юртимизда ислом динига оид қўллаб-қувватловлар, ҳудудлик, буддавийлик ёдгорликлари бор. Бу имкониятдан фойдаланиб, 700 миң зиёратчини жалб қилиш ва 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш мумкин.

Шу боис келгуси йилдан Европа мамлакатлари, Малайзия, Индонезия, Покистон, Таиланд, Япония каби давлатлар билан авиақатновларни босқичма-босқич тиклаш, янги рейсларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Миллий авиакомпаниямизда чипталар нархи баланглиги танқид қилиниб, уни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари зиёрат туризмидан тартибот ва илмий ёндашув этишмаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчиликларини билан бирга бу борадаги ишларни кенгайтириш муҳимлиги қайда этилди. Зиёрат туризми бўйича салоҳиятли давлатлар фуқаролари учун виза тизимини содда-лаштиришга доир тақлифлар билдирилди.

Соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари раҳбарлигида Идоралараро комиссия тузилиши белгиланди. Ушбу комиссия авиопарвозларни ташкил этиш, уларга руҳсат олишни содда-лаштириш, қатновлар географиясини кенгайтириш ва аэропорт хизматларини яхшилаш бўйича тизимли шуғулланди.

Худудларда хали етарлилик ўрганилмаган, сайёҳлар жалб этилмаган қадимжолар кўплиги таъкидланди. Маданият вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмитага 300 та маданий мерос объекти ва зиёратгоҳни реставрация қилиш вазифаси қўйилди.

Буюк олим Абу Мансур Мотуридий мақбараси ва унинг яқинида дафн этилган 8 буюк уламо қадимжосини дунёда 170 миллиондан зиёд издоши бўлган мотуридий таълимнинг зиёрат марказига айлантириш мумкинлиги таъкидланди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокимлигига шу борада кўрсатмалар берилди. Бухоро вилоятида ислом дини ва минтақадаги дин намояндалари тематик хиббони лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги айtilди.

"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" номли ички туризм дастури келгуси йили изчил давом этирилади. Бунинг учун Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик куни ва Янги йил байрамлари даврида қўшимча дам олиш кўнлари белгиламоқда. Шунингдек, номавсумий саёҳатлар учун ички туризм ойлиги, ҳафталиги ва кўнлари ташкил этилади.

Президентимиз пандемия сабабли туризм соҳаси учун 2020 йил охиригача берилган имтиёз ва преференцияларни 2021 йил охиригача қадар узайти-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЬЯЛАРНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, суд тизимига етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган **муносиб кадрларни танлаш** ва лавозимга тайинлаш ҳамда **судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганлиги** бу борадаги ишлар шафқатлигининг етарли таъминланмай қилишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, суд ҳокимияти тизимини коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, **коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш** талаб этилмоқда. Суд тизимини малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш, суд органларининг фаолиятида очкилик ва шафқатлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимини коррупциянинг олдини олиш бўйича **давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** тўғрисидаги қўйилган белгилансин: судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўришадиган ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН СОҲАЛАРГА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЖАЛБ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, самарали рақобатбардор муҳитни шакллантириш ҳамда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат томонидан алоҳида соҳаларни ортқича тартибга солиш ҳолатлари ханузгача мавжудлиги хусусий секторнинг давлат функцияларини амалга оширишдаги иштироки даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, давлат функцияларини хусусий секторга бериш имкониятини ўрганишга ҳамда мазкур йўналишда тегишли шарт-шароитларни яратишга кўмаклашувчи тизимнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари томонидан ушбу масалаларга эътибор қаратилмаётганлигига олиб келмоқда.

Бозор шароитида рақобатни янада ривожлантириш, тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш, фуқароларнинг ишчанлик фаолиятини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ақлий вазирилик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Савдо-санот палатасининг қўйилган назарда тутувчи "Давлат функциялари — бизнес учун имконият" лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин;

1-иловага мувофиқ давлат бошқаруви соҳасига хусусий секторни жалб қилишнинг дастлабки йўналишлари;

давлат функцияларини **аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш** ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида амалда мавжуд имкониятларни кенгайтириш;

тегишли ҳудудларда давлат функциялари ўтказилаётган соҳаларда етарли миқдорда хусусий сектор субъектлари ташкил этилувига қадар мазкур функцияларнинг **давлат органлари ва ташкилотлари** томонидан ҳам амалга оширилиши;

хусусий секторга ўтказилиши тақлиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, хусусий секторнинг тегишли тақлифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш учун **электрон майдон** фаолиятининг ишга туширилиши;

вазирлик ва идоралар кесимида хусусий секторга ўтказилиши мумкин бўлган давлат функцияларини таҳлил этиш механизмларини йўлга қўйишга қаратилган давлат функцияларининг **ягона реестри** шакллантирилиши.

2. Кадастр ишларини бажариш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги "Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4270-сон қарори билан 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синнов тарихида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида қўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси институти жорий этилганлиги инобатга олинсин;

(Давоми 2-бетда).

10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

ШУҲРАТИНГ ПОРЛАСИН ТОКИ БОР ЖАҲОН...

Бирдамлик туйғуси. Давлат рамзлари ҳақида сўз юритилганда биз, аввало, мана шу ҳиссиётни қалбдан ҳис қиламиз. Айниқса, мадҳиямиз янграганда ҳар биримиз яқдил халқ эканлигимизни, мамлакатимиз эса қурран заминимизда давлат сифатида ўзининг муносиб ўрнига эғалигини теран англаймиз. Энг муҳими, Ватан туйғуси давлат рамзларига бўлган ҳурматдан бошланади.

Узоқ йиллар давлат хизматида бўлган инсон сифатида шуни айтишим мумкинки, Давлат мадҳияси бу шунчаки мусиқа эмас. Бу, аввало, биз қандай мамлакатда яшаётганимиз, қандай инсонлар авлоди эканлигимиз тўғрисидаги эслатмалар. Зеро, неча-неча алломулар ва буюк инсонлар ёзиб чиққан юртимизнинг тарихий ўтмиши, бугунги нури кўни ўз танлаган йўлимига содиқ бўлишга ундайди, қийинчиликлар олдида чекимсизлик далда беради. Шу жиҳатдан, давлат идораларида мадҳия қанчалик кўп янграса, айниқса, иш кўни унинг садолари остида бошланса, меҳнатимизда барпо этишга тадбиркорларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш орқали спорт туризмини ривожлантириш кераклиги таъкидланди. Хусусан, халқаро мототур ва велотур мусобақалари ташкил этилади, бунинг учун мамлакат худудларидан Бўстонлик туманигача маршрут ишлаб чиқилади. Аҳоли ўртасида жисмоний тайёрлик даражаси бўйича спорт синовларини йўлга қўйиб, унинг гоилибларига имтиёзлар берилиши белгиланди. Бунинг биринчи навбатда мактаб ўқувчилари ўртасида, босқичма-босқич аҳоли ўртасида ташкил этиш кераклиги қайда этилди.

Малумки, Ўзбекистондаги ҳар бир туман ва шаҳар биттадан устувор, истиқболли ҳамда ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштирилган. Мазкур тизимдан келиб чиқиб, худудда йирик мусобақалар ўтказиб туриш ва салоҳиятли спортчиларни тарбиялаш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун Миллий Олимпия қўмитаси барча спорт федерациялари фаолиятини туман ва шаҳарларга боғлаган ҳолда ташкил этиб, жойларда Олимпия ҳаракатини ривожлантириб боради.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутаассадлар ахборот берди.

Ў.А.

«Ёруғлик шуъласи»: ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Кўни кеча "Spotlight Initiative" ("Ёруғлик шуъласи") глобал ташаббуси доирасида минтақавий дастурнинг видеоконференцияда форматда расмий очилиши бўлиб ўтди. Унда БМТ, Европа Иттифоқи мавсум шахслари, Марказий Осиё ва Афғонистон мамлакатлари вакиллари ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходимлари қатнашди.

Ҳамкорлик

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раҳбари Танзила Норбоева мурожаат билан чиқди.

БМТ томонидан амалга оширилаётган "Ёруғлик шуъласи" глобал ташаббуси минтақавий дастури Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Афғонистон учун муҳим ва зарурдир. Дастур гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан таъйин ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган.

Дастур, шунингдек, Ўзбекистонда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг мақсадларига тўлиқ мос келади. Шу боис бу борада ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

➡ 3

АНИҚ МАҚСАДЛИ ИШЛАР

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Бугуннинг гапи

Ҳар йили куз-қиш мавсумида турли соҳалар, хусусан, хизмат кўрсатишда бир қатор камчиликлар кўзга ташланиб қолади. Яъни совуқ тушиши ва ёғингарчиликлар бошланиши билан электр таъминотида узиллишлар кўпаяди. Бу йил ҳам бундан мустасно бўлмади.

Ноябр ойининг иккинчи ярмида ёққан қор атрофини оқликка бурқайди. Лекин қўллаб-қувватлаш, айниқса, қишлоқларда электр энергияси ўчиб, одамлар қоронғилиқда қолди. Бу ҳолат бўйича оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда бонг урилди. Хизмат кўрсатувчи корхоналарга мурожаатлар кўпайди...

Хўш, бунинг сабаблари нимада? Айни пайтда тизим корхоналарида бундай камчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар қўрилмоқда? Истеъмолчилар-чи? Улар ўз масъулиятларини ҳис қилишга ятти?

Шулар хусусида "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджоновнинг фикрлари билан қизикдик.

➡ 4

